

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

НУРМУҲАММЕДОВА ГЎЗАЛХОН БАҲОДИРОВА

**КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ
КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021 йил

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the Doctoral (PhD) Dissertation

Нурмухаммедова Гўзалхон Баходировна

Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг профилактикасини такомиллаштириш..... 3

Нурмухаммедова Гузалхон Баходировна

Криминологическая характеристика преступлений, связанных с коррупцией и совершенствование их профилактики..... 27

Nurmukhammedova Guzalxon Bakhodirovna

Criminological characteristics of corruption crimes and improving their prevention..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Үн.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

НУРМУҲАММЕДОВА ГЎЗАЛХОН БАҲОДИРОВА

**КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ
КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ув443 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетига бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус) Илмий кенгашнинг вебсайтида (www.mghti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тохиров Фарход
юридик фанлар доктори, профессор

Ниёзова Саломат Сапаровна
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
кошидаги Юристар малакасини ошириш маркази

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2020.Уч.74.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «30» июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўргони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 2021-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўргони. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» Июль да тарқатилди.
(2021 йил «16» Июль даги 1 рақамли реестр баённомаси).




Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

М.М. Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

М.Б. Усмоилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктор, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Таҳлилларга кўра, «коррупция дунё иқтисодиётига ҳар йили ўртача 2,6 триллион доллар зарар келтирмоқда. Бу эса дунё ялпи ички маҳсулотининг 3 фоизини ташкил этади»¹. Бу иллатга қарши курашишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Халқаро жинойи полиция ташкилоти, минтақавий ташкилотлар, давлатлар ва ҳукуматлар, бизнес, фуқаролик жамияти ва бошқа барча манфаатдор томонлар – жавобгарликни таъминлашлари, коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишлари ҳамда шаффофлик ва ҳалоллик тизимларини яратишлари лозим.

Жаҳонда коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик жиҳатлари ва уларнинг профилактикасини такомиллаштириш, коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, аниқ индикаторларни ўзида акс эттирувчи коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишларини белгилаш, коррупцияга қарши курашиш субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва «яширин иқтисодиёт» кўламини қисқартириш, давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш орқали коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш; коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш; аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш»² каби муҳим вазифалар белгиланган.

¹ Коррупцияга қарши курашиш: Амалий ишларда ҳамкорлик зарур. <https://parliament.gov.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 29 июндаги ПҚ-4761-сон «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари қоида-талабларини янада такомиллаштириш, ижросини таъминлаш ва давлат коррупцияга қарши кураш сиёсатининг ташкилий-ҳуқуқий механизмининг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот илм-фанни ривожлантиришнинг «Ш. Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг профилактикаси масалалари ҳуқуқшунос олимлар Қ.Р.Абдурасулова, Б.Алиев, Б.Д.Ахраров, Р.А.Зуфаров, Б.И.Исмоилов, У.М.Мирзаев, Ю.С.Пулатов, А.К.Расулев, М.Х.Рустамбаев, Р.Т.Хакимов, Ш.Р.Қобилов¹ ва бошқалар томонидан назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган. Хусусан, Б.Д.Ахраров бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммоларини, Р.А.Зуфаров коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг алоҳида тури сифатида порахўрликка қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий масалалари ҳамда ушбу турдаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик муаммоларини, А.Х.Саттаров корхона ва ташкилотларда мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш масалаларини диссертация доирасида илмий-назарий тадқиқ этган.

МДХ мамлакатлари олимлари томонидан коррупцияга қарши курашнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, коррупцион фаолиятни жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари, коррупция тушунчаси ва давлат бошқарувида унинг олдини олиш чоралари каби масалалар Р.Р.Газимзянов,

¹ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

С.А.Головко, О.А.Кузнецова, В.К.Максимов, И.А.Мамедов, Ю.В.Сапелкин, Х.А.Умаров, М.Н.Халифаев¹ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Хориж олимлари Eugen Dimant (Ойген Димант), Saidbal Kar (Саибал Кар), Ronald Kroeze (Рональд Кройз), Riccardo Pelizzo (Рикардо Пелиццо), Davide Torsello (Дэвид Торселло), Nikolas Hamelin (Николас Хамелин), Brigitte Zimmerman (Бриджитт Циммерман) ва бошқалар масаланинг профилактик нуқтаи назаридан илмий тадқиқ этган. Хусусан, Eugen Dimant – миграциянинг коррупция даражасига таъсири масалаларини, Davide Torsello – давлатларнинг коррупцияни олдини олишдаги аҳамиятига доир масалаларни тадқиқ этганлар.

Юқоридаги илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикаси, уни амалга ошириш усуллари ва механизмлари, шунингдек, коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси билан шуғулланувчи субъектларнинг функция ва ваколатларини такомиллаштириш ҳамда ўзаро уйғунлаштириш масалалари комплекс монографик жиҳатдан ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича режаси» доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифини таҳлил қилиш асосида ушбу турдаги жиноятлар профилактикасини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коррупция тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва белгиларини илмий-назарий таҳлил қилиш;

коррупция билан боғлиқ жиноятларни юридик таҳлил этиш орқали ушбу турдаги жиноятларнинг таснифланишини ишлаб чиқиш;

коррупция билан боғлиқ жиноятларда жиноятчи шахси ва унинг белгиларини таҳлил этиш;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг сабаблари ҳамда унга имкон берган шарт-шароитларни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси субъектлари доирасини илмий-назарий таҳлил этиш асосида уларнинг ваколат доирасини аниқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

¹ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикасини амалга ошириш бўйича миллий ва хорижий амалиётни қиёсий таҳлил этиш;

коррупция билан боғлиқ жиноятларни профилактикаси йўналишларини белгилаш ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиш асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик жиҳатлари ва уларнинг профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитлари, коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси, хусусан уларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш борасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез, кузатиш, таҳлил қилиш (статистик, қиёсий ва ҳ.к.), умумлаштириш, социологик усуллар (анкета сўровлари), мантиқийлик ҳамда статистик маълумотларни тизимли таҳлил қилиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда кўринади:

«коррупция» тушунчаси «давлат функцияларини бажаришга ваколатли бўлган шахслар, уларга тенглаштирилган шахсларнинг жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зид равишда ўзининг мансаб лавозимидан ноқонуний фойдаланиб ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги эвазига, шунингдек, ушбу ҳаракатларни юридик шахс номидан ёхуд юридик шахс фойдасига бажариш» сифатида такомиллаштирилган;

мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш; хизмат мавқеидан фойдаланиб алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш; тижоратда пора эвазига оғдириб олиш; нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш; ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш; мансаб сохтакорлиги; пора олиш; пора бериш; пора олиш-беришда воситачилик қилиш; давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш ҳамда ушбу органлар хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши; жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш; ҳарбий мансабдорлар (бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахс)нинг ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги каби жиноятларни коррупцияга оид жиноятлар сифатида таснифлаш асослантилган;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятлар таснифидан келиб чиқиб, пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлса – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн беш баравари миқдоригача бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантириш асослантирилган;

коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этишда аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органларга хабар берганлик ёки бундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ёхуд тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда бевосита кўмаклашганлик учун шахс ташаккурнома ёки эсдалик совға шаклида рағбатлантириш тарзида тақдирлаш ҳамда эсдалик совға қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан ошмаслиги лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигини коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантирадиган ва амалга оширадиган, шунингдек мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгиланганлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигини коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органи сифатида белгилаш асослантирилган;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ролини ошириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли орган сифатида Коррупцияга қарши курашиш агентлигини белгилаш асослаб берилган;

коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларни: коррупцияга қарши мониторинг; коррупция хавфларини таҳлил этиш; коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш; республика қонунчилигига мувофиқ юридик экспертиза ўтказилиши жараёнида коррупцияга мойил нормаларни аниқлаш; коррупцияга қарши стандартларни шакллантириш ва уларга риоя этиш; молиявий назорат; манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этиш; тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш чоралари; коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тўхтатиш, очиш ва тергов қилиш; коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилиш; коррупцияга қарши курашиш тўғрисида Миллий дастурни шакллантириш ва эълон қилиш каби турларга ажратган ҳолда тизимлаштириш таклиф этилган;

жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилаш зарурлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига коррупция билан боғлиқ жиноятларда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш ҳамда юридик шахсларга нисбатан 1) жарима; 2) муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш; 3) давлат харидлари жараёнида иштирок этишни тақиқлаш каби жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш зарурлиги асосланган;

хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини миллий қонунчиликка жорий этиш ҳамда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг инсонпарварлик ва адолат принципи доирасида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорида пора олиш, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг жиноий жавобгарлигини белгиловчи «майда порахўрлик» мазмунидаги моддани белгилаш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета сўрови шаклига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан ва унда илгари сурилган таклиф ва тавсиялардан коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикасини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни янада чуқурроқ ўрганишда, бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, «Жиноят ҳуқуқи», «Криминология», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси», «Маъмурий ҳуқуқ ва жавобгарлик» каби фанлардан машғулотлар олиб боришда, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда, коррупцияга нисбатан муросасизликни шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан илмий-тадқиқот ишларида ҳамда жиноят ҳуқуқи, криминология, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маъмурий ҳуқуқ ва жавобгарлик, халқаро ҳуқуқ фанлари бўйича дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг профилактикасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

«коррупция» тушунчасига доир концептуал ғоя ва таклифларидан «Коррупцияга қарши кураш: асосий вазифалар» (2020 й., 359-215-рақамли гувоҳнома) ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирининг 2020 йил 30 июндаги №359-сонли буйруғи). Ушбу таклифнинг жорий этилиши мутахассислик

бўйича таълим олаётган курсантлар, профессор-ўқитувчилар, малака ошириш факультети тингловчилари, шунингдек коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашувчи орган ходимларининг билим, ўқув ва кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси моддаларини мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилганлигидан келиб чиқиб коррупцияга оид жиноятлар сифатида таснифлашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом»нинг 3-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 28 майдаги 12/21-28-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши мамлакатдаги криминоген вазиятни ўта аниқликда белгилаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом»нинг 9-бандида акс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 28 майдаги 12/21-28-сонли далолатномаси). Мазкур таклифларнинг жорий қилиниши коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этишда аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тартибига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом»нинг 10-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 28 майдаги 12/21-28-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этиш механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро илмий-амалий конференция ва семинарларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган. Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Коррупция билан боғлиқ жиноятлар кримнологик тавсифининг назарий-ҳуқуқий таҳлили»** деб номланиб, унда коррупция тушунчаси ва моҳияти, унинг назарий таҳлили, тавсифи ва таснифланиши, коррупция билан боғлиқ жиноятлар тушунчаси ва уларнинг юридик таҳлили, шунингдек ушбу турдаги жиноятларнинг турлари таҳлил қилинган ҳамда назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Ушбу бобнинг *«Коррупциянинг тавсифи ва назарий таҳлили»* деб номланган биринчи параграфида муаллиф томонидан адабиётлар ва турли хил қарашлар таҳлили асосида «коррупция» ва «коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар» каби илмий категорияларнинг мазмун-моҳияти, асосий жиҳатлари, шунингдек коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Параграфда ушбу тушунчаларга нисбатан билдирилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар (БМТ, Европа Кенгаши, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ)нинг Коррупцияга қарши курашишга қаратилган Конвенциялари) ва хорижий давлатлар (Россия Федерацияси, Беларусь ва Қозғистон Республикалари) қонунчилигида билдирилган асосий тушунчалари таҳлили асосида «коррупция» тушунчасига *давлат функцияларини бажаришга ваколатли бўлган шахслар, уларга тенглаштирилган шахсларнинг жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зид равишда ўзининг мансаб лавозимидан ноқонуний фойдаланиб ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ*

ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги эвазига шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш, *шунингдек, мазкур бандда назарда тутилган ҳаракатларни юридик шахс номидан ёхуд юридик шахс фойдасига бажариш* сифатида муаллифлик таърифи берилган.

Шунингдек, «коррупция» тушунчасига берилган таърифларнинг назарий таҳлили асосида унинг махсус субъектлар томонидан содир этилиши; мансаб ваколатига эга бўлиши; жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зид равишда содир этилиши; мансаб ваколатларидан шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланиши; ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилиши; муайян манфаатни (моддий ёки номоддий кўринишдаги) кўзлаб содир этилиши каби ўзига хос белгилари мавжуд деган хулосага келинган.

Тадқиқотчи коррупцияни таснифлашга оид Г.Блэк, Л.В.Михайлов, А.И.Долгова, Б.В.Волженкин, Е.О.Алауханов, Д.Е.Турсынбаев, В.К.Максимов, С.В.Алексеев ва А.А.Шардаков каби олимларнинг назарий қарашларига таянган ҳолда коррупцияни ўзаро бўйсунув мавжуд-мавжуд эмаслигига кўра вертикал ва горизонтал коррупцияга таснифлашни таклиф этади. Хусусан, *вертикал коррупция* бу – бир орган тизимида юқори мансабдор шахснинг ўз бўйсунувидаги шахсларнинг коррупцион фаолиятини рағбатлантиришга асослантирилган коррупцияси; *горизонтал коррупция* эса бу – бир-бирига тобеъ бўлмаган шахслар ўртасида содир этиладиган коррупциявий муносабатлар сифатида ажратиш лозимлиги таклиф этилган.

«Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг юридик таҳлили ва уларнинг таснифи» деб номланувчи биринчи бобнинг иккинчи параграфида *«коррупция билан боғлиқ жиноятлар»* тушунчасига «давлат функцияларини бажаришга ваколатли бўлган шахслар, уларга тенглаштирилган шахсларнинг ўз имконият ва мақомидан шахсий манфаатлари учун турли усуллардан ноқонуний фойдаланиб содир этилган жиноятлар мажмуи» сифатида муаллифлик таърифи берилган.

Шунингдек, муаллиф коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг юридик таҳлили асосида уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб таснифлашни таклиф қилган:

Биринчи гуруҳга бевосита объект сифатида давлат хизматининг қонуний манфаатлари ва обрўсига тажовуз қилувчи коррупция билан боғлиқ жиноятлар (коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг асосий қисми) – мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди); хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик (Жиноят кодекси 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди); тижоратда пора эвазига оғдириб олиш (Жиноят кодекси 192⁹-моддаси); нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (Жиноят кодекси 192¹⁰-моддаси); ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (Жиноят кодекси

205-моддаси); мансаб сохтакорлиги (Жиноят кодекси 209-моддаси); пора олиш (Жиноят кодекси 210-моддаси); пора бериш (Жиноят кодекси 211-моддаси); пора олиш-беришда воситачилик қилиш (Жиноят кодекси 212-моддаси); давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (Жиноят кодекси 213-моддаси); давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши (Жиноят кодекси 214-моддаси); жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (Жиноят кодекси 243-моддаси); ҳарбий мансабдорлар (бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахс)нинг ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги (Жиноят кодекси 301-моддаси).

Иккинчи гуруҳга кўшимча объект манфаатларга тажовуз қилувчи коррупция билан боғлиқ жиноятлар – сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (Жиноят кодекси 146-моддаси); давлат сирларини ошкор қилиш (Жиноят кодекси 162-моддаси); имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш (Жиноят кодекси 192⁶-моддаси) ва ҳ.к.

Учинчи гуруҳга факультатив (кўшимча бўлмаган) объект сифатида худди шу манфаатларга тажовуз қилувчи коррупция билан боғлиқ жиноятлар – одам савдоси (Жиноят кодекси 135-моддаси 2-қисми «ж» банди) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда; божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (Жиноят кодекси 182-моддаси 2-қисми «г» банди) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса ва ҳ.к.

Тўртинчи гуруҳга турдош объект манфаатларга тажовуз қилувчи коррупция билан боғлиқ жиноятлар – Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш (Жиноят кодекси 175-моддаси); тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш (Жиноят кодекси 192²-моддаси ва ҳ.к.

Диссертациянинг **«Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этувчи шахснинг криминологик тавсифи, унинг белгилари, шунингдек коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишида имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар, республикада коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг амалий ҳолати таҳлил этилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи *«Коррупция билан боғлиқ жиноятларда жиноятчи шахси ва унинг белгилари»*га бағишланган бўлиб, унда ўрганилаётган масала бўйича олимларнинг фикрлари таҳлил этилган.

Тадқиқот ишида О.А.Кузнецова, О.В.Ванновская, Ю.М.Антоян, В.Н.Кудрявцева, В.Е.Эминоваларнинг коррупция билан боғлиқ жиноятларни

содир этувчи шахсларнинг криминологик портретига оид билдирган фикрлари таҳлил этилган ва улар билан илмий мунозарага киришган.

Тадқиқот доирасида Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг суд ҳукмлари асосида 2017-2019 йиллар давомида содир этилган коррупция билан боғлиқ жиноятлар илмий таҳлил этилган.

Хусусан, 2017-2019 йиллар давомида Тошкент шаҳрида жами коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун судлар томонидан 860 нафар шахсга нисбатан кўрилган 516 та жиноят иши материаллари ўрганилган бўлиб, унга кўра Тошкент шаҳрида содир этилган мансабдорлик жиноятлари жами жиноятларнинг 35,1 фоизни ташкил этган.

2017-2019 йиллар давомида порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар жами жиноятларнинг 10,3 фоизни ташкил этган бўлса, шундан пора олиш (Жиноят кодекси 210- моддаси) – 5,6 фоиз, пора бериш (Жиноят кодекси 211- моддаси) – 3,4 фоиз, пора олиш-беришда воситачилик қилиш (Жиноят кодекси 212- моддаси) – 1,3 фоизни ташкил қилган.

2017-2019 йиллар давомида Тошкент шаҳрида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик таҳлили ўрганилганда, уларнинг 77 фоизи эркак жинсига мансуб шахслар томонидан, 23 фоизи аёллар томонидан содир этилган. Муаллиф қатор фаразлар ва амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида бунинг сабаби сифатида мансаб лавозимларида асосан эркак жинси вакилларининг кўплиги; аёлларнинг қонунни бузиш мойиллигининг пастлиги; уларнинг оилани таъминлаш мажбуриятига эга эмаслиги; ойлик маошларининг пастлиги аёлларнинг мақомига салбий таъсир этмаслиги кабиларни кўрсатади.

Шунингдек, оилавий аҳволига кўра, жавобгарликка тортилганларнинг 87,3 фоиз оилали, 6,4 фоизи ажрашган ва 6,3 фоизи бўйдоқ, турмушга чиқмаганлар ташкил этган. Маълумотига кўра, 64,3 фоизи олий маълумотли (мансаб лавозими талабидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, табиий ҳол), 20,5 фоизи ўрта-махсус маълумотлилар ва 15,2 фоизи ўрта маълумотлилар томонидан содир этилган. Шуниси қизиққи, мазкур ўрта маълумотли шахсларнинг 44,3 фоизи мансабдорлик лавозимларида хизмат қилишган (МЧЖ директорлари).

Судланганлик ҳолатига кўра, коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганларнинг 69 фоизи муқаддам судланмаган шахслар томонидан содир этилган, бу ҳам уларнинг хизмат талаблари билан боғлиқ. Жиноят содир этганларнинг 31 фоизи муқаддам судланганларни ташкил этади.

2017-2019 йиллар давомида коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг ёш категорияси таҳлили қўйидагиларни кўрсатмоқда, яъни жиноятлар асосан 36-40 ёшдаги шахслар томонидан содир этилган, улар жами шахсларнинг 21,5 фоизни ташкил этади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларда жиноятчи шахси ва унинг белгиларига оид илмий қарашлар орқали ушбу турдаги жиноятлар асосан эркаклар (77), оилали (87,3), олий маълумотли (64,3), муқаддам судланмаган

(69) 36-40 ёшдаги шахслар томонидан содир этилиши илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Тадқиқотчи томонидан олиб борилган таҳлиллар асосида коррупцион жиноятчилар қўйидаги тўрт мустақил гуруҳни ташкил этади деган илмий хулосага келинган: коррупционер-талон-тарож қилувчи (48,5 фоиз); коррупционер-мансабини суистеъмол қилувчи (35,1 фоиз); коррупционер-пора олувчи (5,6 фоиз); коррупционер-пора берувчи (3,4 фоиз).

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича Истамбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинглари натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати олдида бир қатор тавсиялар қўйилган. Мазкур таҳлил натижаларини ўрганган ҳолда тадқиқотчи томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги нормани миллий қонунчиликка имплементация қилиш таклиф этилган.

Ҳозирги кунда коррупцияга оид жиноятлар учун юридик шахсларнинг жинойий жавобгарлиги билан боғлиқ амалиёт дунёнинг 70 дан ортик давлатлари қонунчилигида мавжуд. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасида «Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади» дея мустаҳкамланган. Бироқ, жинойий қонунчиликда юридик шахслар жинойий жавобгарлик субъекти ҳисобланмайди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига юридик шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари мазкур кодекснинг 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди, 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 192⁹ ва 192¹⁰, 205, 209 – 214, 243, 301- моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун қўлланилиши тўғрисидаги қонун мустаҳкамловчи «17¹-модда. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги» мазмунидаги янги моддани киритиш таклиф этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига юридик шахсларга нисбатан 1) жарима; 2) муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш; 3) давлат харидлари жараёнида иштирок этишни тақиқлаш каби жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги қонун мустаҳкамловчи «43¹-модда. Юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралар тизими» мазмунидаги янги моддани киритиш таклиф этилган.

Иккинчи бобнинг «*Коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг сабаб ҳамда шароитлари*»деб номланган иккинчи параграфида тадқиқотчи коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиш сабаб ва шарт-шароитларга оид М.Х.Рустамбаев, Р.А.Зуфаров, Ю.С.Пулатов, Р.Р.Газимьянов, А.А.Звягин, К.И.Головшинский, В.В.Меркуришин, М.Джонстон, В.Н.Кудрявцев, В.Е.Эминов, М.С.Стрельников, С.С.Сулакшин, О.А.Кузнецова, М.Собиров каби олимларнинг илмий фикрларини таҳлил этилган ва мазкур олимлар билан илмий мунозарага киришган.

Тадқиқотчи коррупцияни юзага келтирувчи ва мавжудлигининг асосий сабаблари сифатида жинойтга қўл урганларнинг етарлича ижтимоий ҳимояланмаганлиги ва уларга адолатли меҳнат шароитларининг яратилмаганлиги; шахснинг (жабрланувчининг) ўз манфаати йўлида қонунни четлаб ўтишга уриниши; ишга қабул қилишда мансабдорнинг (ходимнинг) шахси лозим даражада ўрганилмаглиги; кўплаб соҳаларда ҳанузгача бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, каби илмий хулосага келган.

Шунингдек, ижтимоий сўровлар орқали аҳолининг ушбу турдаги жинойтларнинг содир этилиш сабабларига доир фикрлари ўрганилган. Жумладан, «Республикада коррупциянинг пайдо бўлишида сабаб нима деб ўйлайсиз?» деган саволга, респондентларнинг 21 фоизи иқтисодий (масалан, мукофотланишнинг паст даражаси, ижтимоий ҳимоя институтларининг амалга оширилиши механизмининг шаклланмаганлиги) дея жавоб берган.

Диссертациянинг **«Коррупция билан боғлиқ жинойтлар профилактикаси ва уни такомиллаштириш йўналишлари»** деб номланган учинчи боби коррупция билан боғлиқ жинойтлар профилактикаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш тушунчалари, турлари ва субъектлари таҳлиliga, коррупция билан боғлиқ жинойтлар профилактикасини такомиллаштириш масалаларига бағишланган.

Мазкур бобнинг *«Коррупция билан боғлиқ жинойтлар профилактикаси турлари ва субъектлари таҳлили»* деб номланувчи биринчи параграфиди тадқиқотчи томонидан «коррупция билан боғлиқ жинойтлар профилактикаси» ҳамда «коррупцияга қарши курашиш» тушунчалари, турлари таҳлил этилган бўлиб, бунда хорижий давлатлар (Россия, Беларусь, Қозоғистон) қонунчилиги ҳамда миллий қонунчиликка, хорижий олимлар (В.К.Максимов, С.Шишкарёв, К.Э.Ефимушкина)нинг илмий қарашларига таяниб, мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш механизмини такомиллаштиришга оид таклифлари ишлаб чиқилган.

Жумладан, *«Коррупцияга қарши курашиш – бу коррупцияга қарши курашиш субъектларининг доимий равишда коррупция профилактикаси (коррупция билан боғлиқ жинойтларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш); коррупцияга қарши жинойт-ҳуқуқий воситалар орқали курашиш (коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, фош этиш, тергов қилиш) ҳамда коррупция оқибатларини бартараф қилиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олган тизимли фаолияти»* мазмунидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи томонидан аҳолининг «жамиятда коррупция даражасининг пасайишига нималар хизмат қилиши мумкинлиги тўғрисида»ги фикрлари ўрганилган. Сўров натижаларига кўра, аҳолининг 44 фоизи бу иллатга барҳам беришнинг йўли сифатида давлат хизматчиларининг ойлик маошларини оширилиши кўрсатилган бўлса, респондентларнинг 30 фоизи ҳеч қандай чоралар ёрдам бермайди, шунингдек, 12 фоизи жавобгарликнинг муқаррарлиги ва қаттиқлиги деган фикрни билдирган.

Ушбу параграфда муаллиф томонидан «*коррупцияга қарши курашиш субъектлари*» тушунчасига «ўз ваколатлари доирасида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларни шакллантирувчи ва амалга оширувчи давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек, ушбу фаолиятни амалга оширишга кўмаклашувчи мулкчилик шаклларида қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва ҳар қандай жисмоний шахслар» мазмунидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Муаллифнинг фикрига кўра, *коррупцияга қарши курашиш механизмлари* бу - коррупцияга қарши курашишнинг чора-тадбирларини яратиш ва тартибга солиш, унинг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, уни амалга оширишда зарур хусусиятлар ва функцияларни ҳақиқатга зид ҳаракатлар, хусусан, коррупциялашган ва адолатсиз, мансабдор шахслар таъсиридан ҳимоялаш воситалари ва йўллари.

Тадқиқотчи томонидан коррупцияга қарши курашувчи алоҳида автоном орган ташкил этишнинг зарурати асослангандир, яъни органнинг раҳбари бошқа юқори турувчи раҳбарга, у эса ундан ҳам юқори турувчи раҳбарга бўйсунмаслиги лозим. Бошқача қилиб айтганда, мансабдор шахсларнинг иерархик пиллапоялари қанчалик қисқа бўлса, коррупцияга қарши курашувчи органнинг иш самарадорлиги шунчалик унумли бўлади, маъмурий таъсир камаяди.

Махсус органнинг мустақиллиги бир қатор бошқа объектив афзалликларга ҳам эга. Жумладан, мустақиллик тезкор-қидирув (тергов) ходимларининг ижтимоий мавқеини оширади, уларга бўлган ишончни мустаҳкамлайди, гувоҳ ва жабрланувчилар билан ишлашни осонлаштиради, шунингдек, бошқа органлар билан махфийлик борасида ва ўзаро ҳамкорлик борасида алоқаларни соддалаштиради.

Учинчи бобнинг «*Коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикасини амалга ошириш бўйича хориж тажрибаси*» деб номланувчи иккинчи параграфда муаллиф АҚШ, Канада, Сингапур, Жанубий Корея, Финландия, Нидерландия, Франциянинг коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш амалиётини таҳлил қилиб, хорижий тажрибадан келиб чиқиб коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси механизмларини такомиллаштиришга оид таклифларни ажратиб кўрсатади.

Хусусан, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилган шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларини мансаб лавозимларига тайинламаслик, коррупцион ҳаракатлар учун асосий жазо сифатида давлат идораларида хизмат қилишни тақиқлаш ҳамда барча ижтимоий имтиёزلардан маҳрум этиш, шунингдек, жарима ва хизмат вазифаларини бажаришдан вақтинча четлатиш каби жазо чораларини киритиш, фуқароларга мансабдор шахсларга юборган мурожаатларнинг жараёнларини очиқ кузатиб бориш имконини берувчи «OPEN» дастурини жорий этишни таклиф қилинган.

«Коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси йўналишлари ва уларни такомиллаштириши истиқболлари» деб номланган ушбу бобнинг учинчи параграфида Ўзбекистон Республикасида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикаси шартли равишда 1) *коррупция профилактикаси (коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиши)*; 2) *коррупцияга қарши жиноят-ҳуқуқий курашиши* ҳамда 3) *коррупция оқибатларини бартараф қилиши билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар* каби йўналишларда амалга ошириш таклиф этилган.

Тадқиқот ишининг ҳар бир боби бўйича алоҳида-алоҳида хулосалар берилган бўлиб, хулоса қисмида Ўзбекистон Республикасида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир илмий-назарий хулосалар, миллий қонун ҳужжатларини ҳамда амалиётни такомиллаштиришга оид тавсиялар келтирилган. Шунингдек, атамалар рўйхати, қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг лойиҳалари иловалар қилинган.

ХУЛОСА

Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифини ва уларнинг профилактикасини комплекс тадқиқ этиш ва бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида қуйидаги концептуал хулосалар қилинди ва тегишли қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар

1.1. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифини ва уларнинг профилактикасини илмий таҳлил қилиш, мавзу доирасида илмий категорияларнинг мазмунини янада аниқлаштириш зарурати ҳамда назарий таҳлиллар натижасида қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

– *«коррупцияга қарши курашиши»* – коррупцияга қарши курашиш субъектларининг доимий равишда коррупция профилактикаси (коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш), коррупцияга қарши жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали курашиш (коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, фош этиш, тергов қилиш) ҳамда коррупция оқибатларини бартараф қилиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олган тизимли фаолияти;

– *«коррупцияга қарши курашиши субъектлари»* – ўз ваколатлари доирасида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларни шакллантирувчи ва амалга оширувчи давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек, ушбу фаолиятни амалга оширишга қўмаклашувчи мулкчилик шаклларида қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва ҳар қандай жисмоний шахслар;

– «коррупция билан боғлиқ жиноятлар» – давлат функцияларини бажаришга ваколатли бўлган шахслар, уларга тенглаштирилган шахсларнинг ўз имконият ва мақомидан шахсий манфаатлари учун турли усуллардан ноқонуний фойдаланиб содир этилган жиноятлар мажмуи;

– «давлат функцияларини бажаришга ваколатли бўлган шахслар» – давлатнинг вазифалари ва функцияларини амалга ошириш учун расмий ваколат берилган, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда республика ёки маҳаллий бюджет ҳисобидан маош тўланадиган давлат лавозимларини эгаллаган шахслар;

– «давлат функцияларини бажаришга ваколатли бўлган шахсларга тенглаштирилган шахслар» – «Ўзбекистон» номи остида давлат номидан фаолият юритадиган, жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг мансабдор шахслари, шунингдек «Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ давлат харидлари иштирокчилари;

– «коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этган шахсларнинг криминологик тавсифи» – коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этган шахсларнинг жиноят содир этиш билан боғлиқ ижтимоий-демографик, ҳукукий, психологик, маънавий ва бошқа тавсифларнинг криминологик хусусиятлари йиғиндиси.

1.2. Коррупцияни ўзаро бўйсинув мавжуд-мавжуд эмаслигига кўра қуйидаги таснифи ажратиб кўрсатилди:

вертикал коррупция бу – бир орган тизимида юқори мансабдор шахсларнинг ўз бўйсинувидаги шахсларнинг коррупцион фаолиятини рағбатлантиришга асосланган коррупцияси;

горизонтал коррупция эса бу – бир-бирига тобеъ бўлмаган шахслар ўртасида содир этиладиган коррупциявий муносабатлардир.

1.3. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг қуйидаги умумий белгилари ажратиб кўрсатилди:

- коррупциявий қилмишлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви, жамоат бирлашмалари фаолияти билан боғлиқ давлат аппаратининг нормал фаолиятини таъминлайдиган ижтимоий муносабатларга, шунингдек, ушбу муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қилади;

